SIRDARYO VILOYATI GULISTON SHAHAR HOKIMI
Q A R O R I

2021 yil “5” апрел **№ 138-сон** **Guliston sh.**

Гулистон шаҳар Х.Дўстлиги кўчасига йўл белгисини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, Гулистон шаҳар ИИО ФМБнинг 2021 йил 23 февралдаги “Гулистон шаҳар Х.Дўстлиги кўчасига йўл белгисини ўрнатиш тўғрисида”ги 30/1500-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб, **қарор қиламан:**

1. Гулистон шаҳар ИИО ФМБнинг 2021 йил 23 февралдаги “Гулистон шаҳар Х.Дўстлиги кўчасига йўл белгиси ўрнатиш тўғрисида”ги 30/1500-сонли хати ижро учун қабул қилинсин.

2. Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими (А.Байқулов), Гулистон шаҳар ИИБ ЙҲХБ (А.Абдуллаев), вилоят ҳокимлиги қошидаги “Махсус эксплуатация” бўлими (Ф.Эгамбердиев)ларга:

Гулистон шаҳрининг Х.Дўстлиги кўчасидаги 5-умумтаълим мактаби биносининг кириш қисмига 3.28 “Тўхтаб туриш тақиқланган” йўл белгиси ўрнатилиши вазифаси юклатилсин.

3. Шаҳар ҳокимлиги девонхонаси (А.Қуватов)га, мазкур қарорни расмий нашрда чоп этиш, шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш, қоғоз ва электрон шаклларда бир кунлик муддатда, тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

4.Ушбу қарор расмий манбаларда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари (Б.Муратов) зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **Т. Дадабаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI GULISTON SHAHAR HOKIMLIGI DEVONXONA